



ЖАМИЯТ

№ 04 (781)
2022 йил
3 феврал,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@ jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВАҚТИ



Самарқанд шаҳридаги Соҳибқирон Амир Темури даврида қурилган “Ишратхона” (Аслида Ашратхона - ўнхона маъносини беради) номи билан машҳур ёдгорлик биносини реставрация қилиш муаммо бўлмоқда. Шу соҳа мутахассислари ва илмий кенгаш аъзоларининг айримлари консервация қилиб, устини тунука ва темирлар билан ёпиб қўйиш керак деса, айримлари уни реставрация қилиш керак деган фикрлар билан юрибди.



А.Маликов коллажи



МАҚСАД АНИҚ БЎЛСА...

Поездга чиқмоқчи бўлиб вагонга яқин келдингиз. Зинаси сал тикроқ эканми, кўтарилмиш қийин кечди. Вагон кузатувчиси тепадан туриб сизга қўлини чўзди. Сиз ўнг қўлингизни узатиб, беозор юқори кўтарилдингиз. Чиқиб олгач, кондукторга: “Раҳмат, барака топинг” деб қўйдингиз. Сизга жавобан: “Саломат бўлинг” деган лутф янгради. Бу ўринда вагон кузатувчиси хизмат вазифасини бажаргани йўқ, балки одамийликнинг ёзилмаган қонунига риоя қилди. Бу ҳолни одамлар бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро пешвоз чиқиш деб аташади.

Жамиятда ҳам шундай. Ҳаётнинг ҳар қадамида бир-биримизга ёрдам беришимизга тўғри келади. Буларнинг бари инсон кадр-киммати, иззат-хурмати жойига қўйилишидан. Шу тариқа ҳаёт тарзи шаклланади.

Дунёда яшашдан мақсад нима, деган фалсафий савол кишини ўйлантиради. Яратган ато этган умрни мазмунли ўтказиш, шу мақсадда эл-юртга қайишиб яшаш соғлом фикрли инсон ўй-орзуси, албатта. Бунга эришишнинг қандай шартлари бор? Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан эълон қилинган Тараққиёт стратегияси ана шу мақсадларга мос келади. 2022 йилдан 2026 йилгача бўлган даврни камраб олган ушбу ҳужжат жамият олдида турган устувор мақсадларни ифода этади. Мазкур стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётига тааллуқлидир. Шунинг учун, унда баён этилган фикр ва ғояларни халқ онгига етказиш, маъно-маъзани тушунтириш бениҳоя муҳимдир.

Дастлаб, инсон кадри нимадан иборат эканлигини чуқур англаб олайлик.

Президентимиз таъкидлашича, “Инсон кадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч, хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон кадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим ва ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз.”

Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Энг муҳими, бу ўзгаришлар қоғозда эмас, одамлар ҳаётида акс этиши керак.

Ҳар қандай инсон кўнглидаги ниятга эришиш учун ўз олдига аниқ мақсад қўйиши керак. Тараққиёт стратегияси адолатли жамият қуришга аҳд қилган юртдошларимиз дилига туккан аҳду паймондир. Бу мақсадга қандай эришиш кераклиги тараққиёт стратегиясида тўла ва аниқ ифода этилган.


— Биз маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида одамлар билан учрашганимизда уларнинг шахсий ҳаётлари мисолларида суҳбат кураимиз, — дейди Маънавият ва маърифат маркази Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари Дилафруз Жуманиёзова. — Аввало, кўз ўнгимиздаги натижалар

кенг камровли ислохотлар туфайли вужудга келадигани инсонларни ишонтириши муҳимдир. Шу маромда яна қандай марраларга етишиш мумкинлиги аҳоли томонидан башорат қилинади.

Халқимизда “Туяга миниб, узокни кўзла” деган нақл бор. Тараққиёт стратегияси ҳам эришилаётган марраларни олдиндан кўриш демакдир. Қандай қилса, халқ турмуш фаровонлиги юксалади, инсон кадри улғайиши учун нималар қилиш керак? Албатта, бу юмушлар ўз-уздан амалга ошиб қолмайди. Унинг реал воқеликка айланиши учун Тараққиёт стратегиясида барча молиявий манбалар аниқ-тиниқ кўрсатилган ушбу ҳужжат муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари вазифалар ижросига қайси раҳбар масъул бўлишини номаном кўрсатиб берди.

Тараққиёт стратегияси ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз завқ-шавқ, ифтихор туйғуларини уйғотиши керак. Ундан вужудга келадиган самара, мева, ҳеч шубҳасиз, барча ватандошларимиз ҳаётининг яхшиланишига хизмат қилади. Бу олижаноб мақсад белгиланган йўналишларни изчил бажариш учун ҳар биримизга куч-қувват ато этади.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



“НАЖОТ – МАКТАБДА”

Жорий йилнинг 28 январь куни давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълимни ривожлантириш мақсадларига бағишланган, мамлакатимиз келажаги учун юксак аҳамиятга молик йиғилиш ўтказди. Унда таълим ҳаёт-мамонт масаласи эканини таъкидлаб: “Бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни сафарбар қиламиз. Қийин йўлни танлаямиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади”, - деди Шавкат Мирзиёев.

Охириги тўрт йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Йиғилишда, аввало, соҳадаги муаммо ва долзарб масалалар кўрсатиб ўтилди.

Муҳим қарорлар қабул қилинган ва кўплаб вазифалар белгилаб берилган халқ таълими тизимининг давлат сиёсати даражасидаги асосий масалалардан бири эканлигини ифодалади. Қайд этиш жоизки, мактаблар инфратузилмасини яхшилаш, қурилиш ишларини олиб бориш Халқ таълими вазирлиги зиммасидан ҳокимликлар тасарруфига ўтказилгани барча эътиборни таълим-тарбияга, мактабда таълим сифатини оширишга қаратиш учун яна бир имкониятлар эшигини очиб берди.

Таълим сифатини юксалтиришда иккита асосий йўналиш мавжуд. Биринчиси, ўқитувчиларнинг билим савияси, касб маҳоратини ошириш. Давлатимиз Раҳбари эндиликда юқори малакали, ўз устида доимий ишлайдиган муаллимлар фаолиятини янги ёндашувлар асосида қўллаб-қувватлаш, маҳоратли педагоглар тажрибасидан самарали фойдаланиб, уларнинг ўқитиш методикасини оммалаштириш, мактабларда ўқув юкларини ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, болаларни фикрлашга чорлайдиган методларни жорий қилиш каби вазифаларни илгари сурди. Шунингдек, ўқитувчи билимли бўлмаса, келажак авлодга ҳеч нарса бера олмаслигини куюниб қайд этар экан, бугун айрим педагоглар сифатли дарс ўтишга эмас, кўпроқ соат олишга интилишини алоҳида қайд этди. Ҳақиқатан

ҳам шундай. Афсуски, бугун баъзи ўқитувчиларни болаларнинг таълим олиши эмас, кўпроқ ўз манфаати қайғуга солади, ғўё. Шу сабабли, ҳар биримизга таълимга бўлган ёндашувни қайта кўриб чиқиш вазифаси топширилди. Шу билан бирга, халқ таълими соҳасидаги ислохотларга барча вазирлик ва идоралар бирдек масъуллиги алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, бой тажрибага эга педагоглар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган Халқ таълими вазирининг махсус жамғармаси ўқитувчиларнинг иш фаолиятини янада ривожлантириш учун ўзига хос мотивация беради.

Иккинчи асосий йўналиш бу ўқувчилар учун замонавий дарсликлар яратиш. Йиғилишда яна бир муҳим топшириқ бўлдики, унда дарсликларни янгилаш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айни вақтда янги авлод дарсликларини илғор тажрибалар асосида тўлиқ янгилаш учун Англия, Франция, Германия каби қирққа яқин мамлакатлардан халқаро экспертлар жалб қилинган. Мазкур дарсликлар ўқувчиларнинг назарий билимларини ошириб, фикрлашга чорлайдиган методикалар сирасига қиради.

“Умуман, ўқитиш методикаси, дарсликлар, партидан тортиб, биносигача тўлиқ қайта кўриб чиқамиз. Таълимга, муаллимга шароит яратмасак, жамият ўзгармайди. Туман, вилоят ва республика даражасида Мактаб таълимини ислох қилиш кенгашлари тузилади. Республика кенгашига шахсан ўзим раҳбарлик қиламан. Туман ва вилоят кенгашларига эса ҳокимлар бош бўлади”, - деди Президент.

Шароитдан кейинги иккинчи муҳим масала бу – мак-

таблардаги муҳит. Давлатимиз раҳбари бунинг учун бошқарувни ислох қилиш зарурлигини таъкидлаб, халқ таълими бўлими мудирлиги ва мактаб директорлигига малакали менежерларни тайинлаш, хориждан мутахассислар жалб қилиш бўйича тавсиялар берди.

Халқ таълими вазирлигига ушбу мутахассисларга аниқ натижага асосланган талаб ва мезонларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Келгуси беш йилда 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратилиши юзасидан берилган топшириқ ҳам таълимда амалга оширилиши кутилаётган туб ислохотлардан бири. Нимага айнан 1 миллион 200 нафар ўқувчи ўрни? Бу дегани яқин беш йилликда аҳоли сони ўсиши билан бир қаторда мактаб ўқувчиларининг сони ҳам ўсади. 2025 йилга бориб, ўқувчи сони 7 миллиондан кўпрокни ташкил этади. Табиийки, мактабларда шунча ўқувчи ўрни ҳам бўлиши керак. Шуларни инобатга олган ҳолда, Президентимиз 2022 йилнинг ўзида 527 та янги ва таъмирталаб мактабларни реконструкция қилиш йўли билан керакли ўқувчи ўрни яратилишини режага киритиш, қурилиш вазирлигига янги талаблардан келиб чиқиб, “Намунавий мактаб” лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқларни берди.

Ҳозирда умумтаълим мактаблари фаолиятини, улардаги киш мавсумини ўтказиш учун яратилган шароит, ўқитувчиларнинг таълимдаги иштироки, ўз устида ишлаш, малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, зарур методик тавсиялар ва ўз навбатида мактаблардаги қўшимча ўқув бино ва спорт зал қурилишига бўлган эҳтиёж аниқланиб, навбатдаги дастурларга киритиш учун таклифлар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мактаб таълимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш учун улкан ислохотлар сари дадил қадам қўйилди.

Доноҳон ЖУМАБОЕВА,
Бўка тумани Халқ таълими бўлими
тасарруфидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби
директори



“Эл нетиб топқай мениким...”

*То муҳаббат дашти бепоеида оворамен,
Ҳар балият келса, ишқ ошубидин бечорамен.*

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзимни топманом,
Буйлаким ишқу жунун сахросида оворамен.*

*Қайси захмимга қилурсен чора чун мен эй рафиқ,
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.*

*Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.*

*Кеча ўртансам, сахар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулга чун ҳамкораман.*

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхораман.*

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжсил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.*

Бу ғазал бир маҳаллар Ўзбекистон халқ артисти ун-вони билан сийланган, кейинчалик эса кўшиқларини радио ва телевидениеда бериш тақиқланган машҳур санъаткор Мавлуда Аъзамова томонидан зўр маҳорат билан куйланган эди. Мустақиллик давридагина бу кўшиқ яна эфирга чиқа бошлади. Шу орқали ҳам биз миллат кўеши Алишер Навоийнинг даҳосидан яна бир қарра бахраманд бўлдик.

Бу асар “Чор девон”нинг иккинчи жилдидаги 496-ғазалдир. Навоий “Наводир уш-шабоб”даги асарларни йигитлик айёмидаги нодирликлар билан қиёслади. Бу маънони таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, баъзилар айтганидек, “Чор девон”га киритилган асарлар шоир умрининг шунга мувофиқ даврида ёзилган эмас, яъни “Ғаройиб ус-сигар” девони фақат болалик – сағир ёшида битилмаган, ёки “Фавойид ул-кибар” – қари чоғида ёзган ғазалларидан иборат эмас. Девонларнинг номлари шартли бўлиб, девон тартиб бериш чоғида ҳар бир девонга бир хил – 650 тадан ғазал киритилгани ҳам шуни кўрсатади.

Мазкур ғазал руҳига диққат қилсак, у Навоийнинг хийла кексарган, ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйлай бошлаган, устозлари ва бир қанча яқин дўстлари ҳаётдан кўз юмган чоғда битилган кўринади. Чунончи, сўнгги байт шуни кўрсатади:

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжсил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.*

Яъни Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма, бу карвонга ит каби эргашиб бораман (қолиб кетмайман).

Энди ғазалнинг матлаъ – илк байти маъноси билан танишайлик.

*То муҳаббат дашти бепоеида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен.*

Муҳаббатнинг чек-чегарасиз даштида сарсон хол-да юрар эканман,

Ишқ саросимасидан, нимаики балолар бошимга тушса, чорасизман.

Ошиқ муҳаббатнинг поёнсиз даштида овора бўлиб юрар экан, бундан англашиладики, ишқнинг ўзи беҳуддир. Бу ишқ – илоҳий ишқ, чунки инсоний ишқнинг боши ва охири, авжи ва сусти, чек-чегараси бўлади, фақат Аллоҳ ишқининг поёни йўқ. Бу ишқ туйғули бошга тушадиган балолар қаршида ошиқ чорасиз, зеро қазага рози ва балога собир бўлиш – мўминнинг шиоридир.

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзимни топманом,
Буйлаким ишқу жунун сахросида оворамен.*

Мен ўзимни топа олмайману, одамлар мени қандай қилиб топсин?

Мен шу тариқа ишқ ва жунун сахросида оворамен.

Бу байт бугун айрим адабиётшунос ва ихлосмандлар томонидан бузиб ўқилади ва шунга мувофиқ талқин қилинади. Уларнинг фикрига кўра, шоир “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам” деган, ёки тўғрироғи, шунақа деб ёзганида зўр бўлар эди. Ана ўшанда “ўзликни топиш, ўзликни англаш” каби ҳозир урф бўлган ижтимоий дунёқараш Навоий орқали ҳам тасдиқ этиларди... Унинг зимнида “мен ўзимни англасам (ботинга назар), бошқалар ҳам мени эътироф этади, биз ўзимизни топсак, англасак, ўз қадри-мизга ўзимиз етгандагина ўзгалар (яъни бошқа миллатлар, дунё...) ҳам бизни тан олади”, деган сингари бир даъво этади.

Ҳолбуки, шоир ўзликни топиш (англаш) эмас, ак-

синча, ўзликни йўқотиш, ўзини топа олмай қолиш маъносини битади. Тасаввуфда – ҳақиқий солиқ, адабиётда – чин ошиқ севги шиддатидан ўзини унутиши, ҳаёлан маъшуқа билан бирлашиб кетиши лозим. Эътибор берсангиз, ишқ шиддатидан жунун холи ҳам пайдо бўлди. Бу ҳолда киши ўзини билмай қолиши – манतिकий. Давом этамиз:

*Қайси захмимга қилурсен чора чун мен эй рафиқ,
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен?*

Эй дўст, сен яра-чақаларимнинг қайси бирини даво-ламоқчисан,

Тийрборон балосидан менинг бутун аъзои баданим яра-чақа-ку?



Бу тийр борони, аввало, маъшуқа отган истиғно ўқлари. Аммо бу – ботиний (ички) жароҳат, зохирий томондан эса ишқ жунунидан телба бўлган одамга болалар тош отиб ҳаммаёғини ярадор қилади. Яна:

*Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.*

Оҳ тутуни ичида мен бир учқундай бўлиб ётганим-ни кўрган одам

Бу – ҳижрон кечасидаги юлдуз-сайёра экан, деб гу-мон қилди.

Бу – жуда маҳобатли манзара. Тутун ҳамма ёқни коплаб, унинг қоронғисида ўртанаётган ошиқ бир учқундай бўлиб аранг кўзга ташланади, уни кўрган одам ҳижрон тунидаги юлдуз ва сайёраларга ўхшатади.

Тўғри, сиртдан қараган кишига бу жуда муболаға, лоф тасвир бўлиб туюлиши мумкин. Аммо ёр – Аллоҳ ишқидан тунлари ухламай, оҳ тортиб чиқилган замонларни кўз ўнгимизга келтирсак, манзара анча реаллашади.

*Кеча ўртансам, сахар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулга чун ҳамкораман.*

Тунлари куйиб-ёнсам, тонг сахарларда йиғласам, ажабланманг,

Чунки ишқда парвона ва булбул билан ишим бир хил.

Бунда мумтоз адабиётимизга хос таносуб санъати қўллангани диққатга сазовор, яъни ўртанмоқ деганда алангага ўзини уриб куядиган парвона, сахарда нола қилиш эса тонгда сайраган булбулга қиёс қилинади. Сўнгра:

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз – майхора, мен хунхораман.*

Эй харобот (майхона) аҳли, сиз маст бўлиб, мен маст бўлмасам,

Бу айб эмас, негаки сизлар май ичасиз, мен эса қон ютаман.

Назаримизда, бу ғазалнинг маъно ва ишоратга энг тўлиқ байти – шу. Бунда шоир сиртдан майхона аҳлига мурожаат қилгани билан аслида мустасифларга – сохта ошиқ-сохта солиқларга хитоб қилади, уларнинг ишқ йўлида ўзини маст-аласт қилиб кўрсатишларини маъқулламайди. Навоийнинг эътимодича, ошиқликнинг янада юқорироқ бир босқичи бор, бу хушёрлик ила ёрга етишидир.

Ниҳоят, сўнгги байт:

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб, таъжсил этма кўп,
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен.*

Эй Навоий, дўст-ёрларим кетди, деб шошилма, Бу карвон ортидан ит каби эргашиб бораман.

Биз юқорида бу байтнинг ҳаётини маъносига урғу берган эдик. Энди икки оғиз унинг сўфиёна мазмуни ҳақида тўхталсак. Манбаларнинг шохидлик беришича, Навоий умри давлат ва жамоат иши, ижод билан ўтиб, сўфийликда ўзи хоҳлаган даражага ета олмаганидан ўкинган. Бу борада илгарилаб кетган аҳли ҳоллар – улкан сўфийларга ҳавас билан қараган, бир томондан, тасалли учун, қолаверса, шу армон йўлида “Насойим ул-муҳаббат” асарини битган. Ғазал ниҳоясида Навоий умидланади – дўст-ёрлар (аҳли ҳоллар) кетиб қолди, уларга етиб бўлармикин, деб кўп ошиқиб ўзингни азоблама, ит карвонга эргашиб боравергани каби, зора мен ҳам уларга етолсам...

Бу ғазал – агар бошдан охир маъносига диққат қилсак – кишининг ошиқ бўлиши, бу йўлда унинг бошига турли ғавғо-шўришлар ёғилиши, аммо у ишқ йўлидан тийилмай, аксинча, ўзини унутиш даражасида берилиши, оқибат – бошдан-оёқ бало ўқларига нишон бўлиши, кейинчалик эса ўзи тортган оҳлар дуди ичра гўё бир мажнун тунда олов ёқиб, аланга тутуни ичра гул-ханни кўрган одамлар уни тун осмонида юлдуз ва сайёраларга ўхшатиши, шу тариқа ишқ шиддатининг зўрлигидан кечалари куйиб-ёниб, тонг сахарларда фарёд қилиши, чора излаб харобот (майхона) сари йўл солиб, аммо бунда ҳам дардига даво топа олмай, қон ютиши ва ниҳоят, кетган карвон ортидан эргашиши – фанони тарқ этишидай изчилликка эга эканини кўраемиз. Ишқнинг шаҳи ҳоли Навоийнинг ушбу етти байтга ғазалида шундай тажассум топган.

Алишер Навоий асарларида қўлланган сўз ва ибораларни тушуниш, талқин этиш учун у яшаган даврдаги ижтимоий-маданий ҳаёт, адабий муҳитни, бадий мезонларни, диний, сўфиёна ва адабий истилоҳларнинг келиб чиқиши ҳамда улардан ҳар бири ифодалаган зохирий ва ботиний маънолар мағзини чақиш лозим. Чунончи, ана шу сўнгги байтда Навоий ўзи ҳақида “ит каби эргашиб” деган ифодани битар экан, у бир кўпол тасвир, ёинки маломатпеша одамнинг ўзига қилган лутфи эмас, балки машҳур бир афсонага ишорадир. Маълумки, уч солиҳ йигит золим ҳукмдор Даккиёнус (Даклениус) замонида тоғ сари бош олиб кетадилар, уларга Қитмир деган бир ит ҳам эргашади ва ҳаммаси бир ғорга яширинишади. Аллоҳ уларни зулм тааддидан асраб, уйкуга чўмдиради ва Даккиёнус вафоти (айтишларича, уч юз йил)дан кейин уйғотади.

Бояги ит эса, солиҳларга эргагани учун, солиҳлик рутбасига эга бўлган эмиш...



ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВАҚТИ

Дунёда юзлаб халқ ва миллат бор. Ҳар бир халқ ўзининг ота-боболари, тарихи ва ўтмиши билан Инсоният деган бир жамиятга, унинг ривожига қўшган хиссасидан фахрланиб, мағрурланиб яшайди.

Ўзбек халқи – менинг халқим, Сизнинг халқингиз. Халқимиз ўтмиши Инсоният тарихининг узок ибтидоий даврларига бориб тақалади. Халқимизнинг жаҳонгир ўғлонлари Алп Эр Тўнга, Аттила (Атли-Отли), Хоразм шоҳлари, уларнинг сўнги шоҳи Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобурлар дунёни ларзага солди. Ўзининг куч-қудрати билан адолатли сиёсат олиб борди. Дунё цивилизациясига, илму фан, дину ислом ривожига юзлаб ота-боболаримиз ўтқир ақл-заковати билан беҳисоб хисса қўшди.

Бу буюк меросни чуқур ўрганишимиз, ҳар бир моддий-номоддий маданий меросимизни, осориатикаларимизни сақлашимиз, келажак авлодга етказишимиз, дунёга кўз-кўз қилишимиз бурчимиздир. Айни пайтда шуни айтиш керакки, тарихи топталган, бутун бод-буди таланган биздай халқ бўлмаса керак. Тарихни ҳеч қачон орқага қайтариб бўлмайди. Эндиликда тарихимизни тиклаш, йўқотилган, олиб кетилган осориатикаларни топиш, қайтариш, ҳеч бўлмаганда нусха олиш бугуннинг кечиктириб бўлмас масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси шундай ёзилган: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”.

Ўзбекман, Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир инсон юқоридаги гапларни яхши билиши, амал қилиши ва бажаришни ўз муқаддас бурчим, деб англаши лозим. Шу соҳадаги тажрибамдан келиб чиқиб, айрим мулоҳаза ва таклифларим билан ўртоқлашишни маъқул топдим.

Халқимиз тарихини яхши билган ҳар бир фуқаро қаерда бўлмасин бўйни эгик бўлмайди. Фахр ва ифтихор билан мағрурланиб юради. Бунинг учун тарихимизни ўқитишни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Дарсликларга халқимиз тарихининг кўп саҳифалари киритилмаган. Масалан, аждодларимиздан Алп Эр Тўнга ва Аттиларни дунё тарихида ўз ўрни бўлсада, ҳатто айрим тарихчиларимиз улар ҳақида бирон маълумот беролмайди. Ҳар қандай ўқув даргоҳларига тарих дарсликларини киритишимиз, тарихчи ўқитувчиларни рағбатлантириш йўллари топмоқ лозим.

Чет элга ишга бормокчи бўлган кишиларга ўша мамлакатнинг тили, тарихини билиш ва ўрганишни талаб қилинмоқда. Биз ҳам шундай талабни қўйишимиз керак. Мамлакатимизга турли соҳа бўйича ишга келган чет эл фуқаролари оз бўлса-да, халқимиз тарихини билса, буюк аждодларимиз ҳақида фикрга эга бўлса ўзаро ҳурмат-иззат бошқача бўлади.

Хориждан келган сайёҳ халқимиз тарихига қизиқиш билан келиб, аждодларимиздан қолган маданий мерос обидаларини, музейларни ва бир қатор диққатга сазовор жойларни кўради. Сайёҳлар борадиган жойлардаги таржимонлар, гид-тушунтирувчилар шу жойнинг тарихини билиш билан бирга халқимиз ўтмишидан ҳам пухта хбардор бўлиши даркор. Афсуски, бу борада ҳам мақтана олмаймиз. Айримлари ҳалигача Шўролар давридаги фактларни айтади. Баъзилари сайёҳ-мехмоннинг кўнглига қараб халқимиз шаънига тўғри келмайдиган гапларни гапирди.

Таржимонларга халқимиз тарихини чуқур ўргатиш йўллари кидиришимиз, уларнинг ўқув жараёнларига кучли тарихчи ва мутахассисларни жалб қилмоқ лозим. Улар устидан назорат ўрнатиш керак. Чунки улар халқимизнинг ютуғи, бугуни ва ўтмишини айтадиган тилидир. Юртимиздаги қадимий жойларда тадқиқотлар олиб бориш билан халқимиз тарихининг янги саҳифаларини яратишда археолог олимларимизнинг ўз ўрни бор. Ўрта Осиёда ягона бўлиб, ўтган асрнинг 70-йилида ташкил этилиб, 50 йилдан ортиқ фаолият кўрсатган Археология илмий-тадқиқот институтининг 50 йиллик фаолияти тақдирланиш ўрнига унинг юридик мақоми бекор қилинди. Фанлар академияси қошида Марказ ташкил этилди. 50 йиллик фаолияти давомида ўз нуфузига эга булган институтнинг ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги бор эди. Биргаликда экспедициялар, тадқиқотлар олиб борилиб яхши натижаларга эришилди. Самарқанднинг қадимий жойида жойлашиши, ўзининг лабораторияси ва бошқа имкониятларга эгаллиги хорижлик олимлар учун ҳам мос эди. Археология институтининг юридик мақоми бекор қилиниши халқаро алоқаларни сусайтириш билан бирга шу соҳа олимлари фаолиятига ҳам салбий таъсири кўрсатди. Зудлик билан Архе-

ология институти фаолиятини қайта тиклаш, унинг 50 йиллик фаолиятини нишонлаш билан бирга бу соҳа олимлари ва мутахассисларини рағбатлантириш лозим.

Мамлакатимизда илмий туризмни ривожлантиришда катта имкониятлар мавжуд. Айниқса археологларимиз билан ҳамкорликда ишлаш истагидаги чет эллик олимлар бир талай. Улар билан бошқа йўналишларда ҳам алоқаларни кучайтириш керак.

Халқимиз тарихи акс этувчи, маълумот берувчи адабиётлар, барча ёзув-ёзишмалар араб алифбосида баён этилган. Бугунги кунда араб алифбосини ўқийдиган мутахассислар санокли даражада. Юртимиздаги кутубхоналарда сақланаётган ҳисобсиз араб ёзувидаги китобларни ўрганиш, уларнинг каталогларини тўлиқ яратиш лозим. Аҳоли қўлида бўлган қадимий китобларни мурожаат билан излаб топиш, ўрганиш, китобларни ўз эгаларига қолдириш ва рағбатлантириш йўли билан янги маълумотларни тўплаш лозим. Бу учун кучли мутахассисларни тайёрлаш ва уларни рағбатлантириш лозим.

Ҳозирги кунда юртимизда 8,5 мингга яқин моддий маданий мерос объектлари ҳисобга олинмоқда. Ҳали ҳисобга олинмагани, тадқиқотлар ва излашлар олиб борилиши лозим бўлган объектлар ҳам кўп. Бир қатор маданий мерос манзилларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, усталар қўли тегмаган муқаддас жойлар ҳам бисёр.

Маданий мерос объектларини таъмирловчи, реставрация қилувчи усталар камайиб кетмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Жойлардаги махсус устахоналар, цехлар бузилиб усталар тарқаб кетди. Усталар ўртасидаги устоз-шогирд аънаналари йўқолди. Йил давомида иш бўлмай, маълум ойлarda маблағ ажратилган пайтда иш бўлмоқда. Энг асосий сабаблардан бири реставрация ишлари билан қурилиш ишларининг катта фарқи бор. Уларнинг иш нормалари, устанинг иш соатлари мутлақ бир-бирдан фарқ қилади. Ҳалигача реставрация-таъмир ишлари бўйича нормаларни аниқ кўрсатиб берадиган қўлланма батафсил қилинмаган. Шу боис, лойиҳа-смета ишларида тушунмовчилик ва чалқашликлар бўлмоқда. Узок ва катта тажрибага эга мутахассис эски қўлланмалар орқали қараб чиққанда ўз ўрнига тушмоқда. Лойиҳа-смета ишларидаги тушунмовчилик туфайли устанинг иш ҳақи камайиб кетмоқда. Масалан, кошинларни териш, гумбаз устини қадимий шаклдаги тўрт бур-


чак ғишт билан қоплаш ишлари ўн баробаргача паст нархларда берилмоқда. Шу боис, усталар бошқа жойда ишлашни лозим топмоқда.

Халқимизда эскини ямаб эсинг кетади, деган гап бор. Дарҳақиқат, қадимий жойлар, буюмларни таъмирловчи усталарнинг ишини осон билмаслигимиз, санъат даражасида баҳолаб, шароитини яратиш керак. Бу учун тажрибали уста, мутахассислардан фойдаланиб устоз ва шогирд мактабини яратиш лозим. Тажрибали усталарнинг айримлари нафақада, айримлари бу ишларни ташлаб қўйган. Уларни жамлаб ёшларга ўргатишни йўлга қўйишимиз, улардан фойдаланиб қолишимиз зарур.

Бемор кишини даволаш учун касаллик тарихи қанчалик фойда берганидек, ҳар бир маданий мерос объектида олиб борилган таъмир-реставрация ишлари бўйича барча ҳужжатлар архив ҳолида сақланиши керак. Орадан йиллар ўтиб, кейинга таъмир ишларида асқатади. Ҳозир мана шундай муаммоли ҳолатлар учраб турибди.

Маданий мерос объектларини таъмирлаш бўйича тайёрланган лойиҳа-смета ишларини республикада ташкил этилган илмий экспертиза кенгаши ўз хулосасини бериб келади. Ушбу хулосадан кейин иш бошланади. Жамоатчилик асосида ташкил этилган кенгаш жойига бориб кўриб, кейин хулоса беришга улгурмайди. Тошкентда ўтириб ўз билганларича қараб чиқади. Аслида, ҳар бир жойда иш бошлашдан олдин тажрибали меъмор ва усталарнинг ҳам фикрини билиш, тарихи ва ҳолатини чуқур ўрганиш муҳим эмасми?! Бунинг учун, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Қўқон шаҳарларида тажрибали, шу соҳа билимдонлари иштирокида қўшимча илмий кенгаш ташкил этиш айни муддао.

Республикамиздаги бир қатор тарихий жойлар ЮНЕСКО рўйхатида туради. Улар билан ҳам таъмир ишлари олдидан келишиб олинади. Ўша келишув жараёнларида қилинадиган реставрация ишларининг моҳиятига юзаки қаралмоқда. Дунё тажрибасида бирон тарихий жойнинг асл ҳолати қисман сақланиб қолинган бўлса, унинг қолган қисмларини ҳам шунга мос равишда тиклаш, келажакка етказиш тартиби мавжуд. Ҳолбуки, бугунги кунда бу соҳадаги айрим раҳбарлар тушунмасдан нотўғри кўрсатмалар бермоқда. Гўёки, қадимий ҳолатни сақлаб қолган бўлиб, айнан қадимий ҳолатга мос равишда ясалган кошин, ғишт ёки бошқа нарсалардан фойдаланиш



мумкин эмас. Кўчиб кетган кошин жойига тегинмаслик ёки бу жойни сувоқ қилиб қўйиш лозимлиги ҳақида кўрсатма бермоқда. Аслида эса ўша тушиб кетган кошин кейинги 50 йил ичида таъмир пайтида қўйилган. Хўп, энди тасаввур қилинг. Ўша кошин ўз жойидан табиий офат ёки бошқа сабаблар билан кўчиб синиб кетди. Бу табиий ҳолат. Кўчиб кетган кошин ўрнини ўз ҳолича қолдирсак ёки уни сувоқ қилиб қўйсак, орадан маълум вақт ўтиб бошқаси яна кўчади. Йиллар ўтиб тарихий обиди ёки унинг гумбази сувоқдан иборат бўлиб қолади. Келажакка шу сувоқни етказамизми? Шунинг учун, бу соҳага ўз мутахассиси кўрсатма бергани маъқул.

Ташкил этилган илмий кенгаш аъзолари ўртасида қайси жойни реставрация ёки консервация қилишда тушунмовчилик ёхуд бир-бирини тушунмаслик ҳолатлари бўлмоқда. Самарқанд шаҳридаги Соҳибқирон Амир Темур даврида қурилган “Ишратхона” (Аслида Ашратхона - ўнхона маъносини беради) номи билан машҳур ёдгорлик биносини реставрация қилишда шунақа муаммо пайдо бўлмоқда. Шу соҳа мутахассислари ва илмий кенгаш аъзоларининг айримлари консервация қилиб устини тунука ва темирлар билан ёпиб қўйиш керак, деса айримлари уни реставрация қилиш керак, деган фикрлар билан юрибди. Ҳозирги кунда бу тарихий обидани консервация қилиб, темир ва тунка билан ёпиш бўйича тўхтама келинган.

Хўп, ёдгорлик қачон ва қай ҳолатда реставрация ёки консервация қилинади? Назаримда, ёдгорликнинг анча қисми ҳали бутун, асл ҳолатини йўқотмаган бўлса, уни қайта асл ҳолатида тикласа бўлади. Бу билан ёдгорликни келажак учун ҳам қолдирамиз. Агар ёдгорликдан пойдевор ёки бирон нишона қолиб уни асл ҳолатда тиклашни иложи бўлмаса, унда консервация қилиб қўйилаверади. Оддий қилиб айтганда, реставрация чала жон одамга қайта умр бағишлаш, консервация эса чала жон одамни қабрга қўйиб устига мармар тошлардан белги қўйишга ўхшайди. Ҳолбуки “Ашратхона” ёдгорлигини тиклаб, унга қайта умр бағишлаб, Самарқанддаги машҳур сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш мумкин.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Амир Темурдан қолган бу нодир ёдгорликка ҳалигача мустабид тузум давридаги қарашлар ҳукмронлик қилмоқда. Олтита қабр бўлган жой ҳамон “Ишратхона”, деб юритилмоқда. Аслида “Ашратхона” эмасми? Тарихчилар ҳам жим. Бу жой янги изланишлар ўзи ҳақидаги тўғри фикрларни кутиб ётибди.

Яқинда самарқандлик бир гуруҳ олимлар Йилдирим Боязид номидаги университетнинг таклифи билан Туркия сафарида бўлиб қайтишди. Улар Амир Темур билан Йилдирим Боязид жанг қилган жойга мезбонлар олиб борганлиги, бу жой шу пайтгача сақланиб келинаётгани, музей сифат нималар қилиб, тарихини келажакка етказиб келаяётганини қувониб айтиб қолди.

Бизда-чи? Амир Темир билан боғлиқ қанчадан-қанча эътиборсиз жойлар бор. Бобомиз боғларини тиклаш борасида йиллар давомида гапирилиб келинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳокимларга бу



боғларни тиклаш бўйича кўрсатма ҳам берганди. Бугунги кунда Амир Темур боғларидан Боғи Дилқушо, Боғи Жаҳонноманинг ўрни сақланиб қолганлиги боис уларни қайта тиклаш имкони мавжуд.

Маданий мерос объектларини даражаларга ажратиш ҳам муҳим масала. Масалан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси билан одамлар кам ташриф буюрадиган бошқа маданий мерос объектини бир хил даражага қўйиб бўлмайди. Даражаларига қараб хизмат кўрсатиш, таъмир ва бошқа ишларни шунга мос равишда белгилаш керак. Бундай ҳолатларни, умуман маданий мерос, археология ва бошқа халқимиз тарихи билан шуғулланувчиларга оид қонун ва қонун ости ҳужжатларни қайта мукамал қўриб чиқиш лозим. Бу соҳада айрим қонунлардан сўнг тайёрланган ҳужжатлар ҳамон орқага сурилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани кенг қамровда ривожлантириш учун ўз пайтида қабул қилинган дастуриламал бўлди. Қарорда чет элга чиқиб кетган осори атикаларни ўрганиш, қайтариш бўйича бўлим ташкил этилиши қувончли ҳолдир. Абдиётга муҳрланган халқимизнинг буюк меросини, ота-боболаримиздан қолган ҳар бир нарсани эъзозласак, уларнинг руҳлари шод, бизнинг эса ишимизда барака бўлади. Эндиликда бу савоб ишларни амалга оширишда Маданий мерос агентлиги шу соҳанинг тажрибали, фидойи, билимли усталарини атрофида тўплай олиши ва кенг жамоатчиликни жалб қилиши лозим. Айни пайтда бир қатор ташкилотлар, вазирликлар, чет элдаги элчихоналаримиз вакиллари ҳам ўз ёрдамларини аямаслиги керак.

Халқимиз маданий меросини сақлаш ва ўрганишда кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида Президент фармони билан “Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фонди ташкил

этилган эди. Фонднинг барча вилоят ва туман бўлимлари ўз фаолиятини халқимизнинг моддий ва номоддий меросини сақлашда баҳоли қудрат иш олиб бормоқда. Фонднинг саъй-ҳаракати билан эътиборсиз ва қаровсиз қадамжолар рўйхатга олиниб ободонлаштирилди. Халқимизнинг номоддий маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда эътиборга лойик ишлар олиб борилиб, Хоразм “Лазги”си ЮНЕСКОнинг жаҳон номоддий меросидан ўрин олди.

Мақсад ва фаолияти муштарак бўлган Маданий мерос агентлиги, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фонди, Тарих институти ва шу соҳадаги бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамфикрликни яхши йўлга қўйиш лозим. Агентлик санокли ходими билан жойлардаги барча ҳолатни билмайди ва ўргана олмайди. Бунинг учун жамоатчиликка суяниш, жойлардаги фидойи инсонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керак.

Халқимизнинг урф-одатлари, оғзаки ижод намуналари, миллий ўйинлар, умуман олганда, номоддий маданий меросимизга эътибор сусайиб бормоқда. Бу соҳа, бу жараён билан жиддий шуғулланувчи, ўрганувчи ва сақлаб қолувчи бирон ташкилот ёки вазирлик йўқ. Бир қарашда жуда кўп вазирлик ва идоралар шуғуллангандай. Лекин бирон бир урф-одати-

миз, миллий ўйинларимиз, асрлар оша халқимиз севиб келган лапар-қўшиқларимиз йўқолиб кетса, жавобгарлигини оладиган бирон бир ташкилот ёки вазирлик йўқ. Бирон бир маданий мерос объектига зарар етса, унга йўл қўйган шахс ёки ташкилотга жавобгарлик бор. Лекин халқимизни умуминсоний даражада ибрат бўладиган одати йўқолиб кетса, ҳеч ким жавобгар бўлмаса. Бу ҳолатларни қонунчилик доирасида қўриб чиқмоқ лозим.

Кимгадир бу гап эриш туюлар. Шу ўринда, халқимизни ҳозирги кунда йўқолиб бораётган бир одатини айтиб ўтаман. Янги оила қурилаяётганда, яъни тўй маросимида келин-куёвни олдига тажрибали, ҳурматли оила - эр-хотин чиқиб уларга ота ва она бўлишини маълум қилиб, ёш оилани ўз оталиғига олади. Келин-куёв ўз олдига чиққан бу эр-хотинни ўз ота-онасидек кўради. Уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Айни пайт янги оилага ота-она бўлиш масъулиятини олган тажрибали оила вакиллари келин-куёвни ўз фарзандларидек кўради. Ёш оилага ҳаётни паст-баландини ўргатади. Керак бўлганда моддий ёрдам ҳам беради. Ёш оилада ўзаро келишмовчилик, сени менга бориш ҳолатлари юз беришига йўл қўйилмаган. Тажрибаси ошиб, ўзини ўнглаб олган ёш оила вакиллари ўз оиласига ота-оналик қилган кишиларни ўз ота-онасидек ҳурматини жойига қўйган.

Халқимиз оилани муқаддас билиб келган. Оила бузилишини энг оғир, энг аянчли ҳолат, деб билиб унинг бузилишига йўл қўйилмаган. Ҳозирги кунда оила бузилиши, ажралишлар оддий ҳолатга айланиб қолди. Рақамлар кундан кунга ошиб бормоқда. Тирлик етимлар, уларнинг ҳаёти... Бундай одатларимизни маҳаллалар орқали тиклаш пайти келди, деб ўйлайман.

Дунёда глобаллашув даври кетмоқда. Глобализация дегани ўзлигини англамасанг, ўзга халққа эргашсанг, эртага ўз халқинг, унинг барча одату бошқа нарсаларини йўқотасан, дегани. Буни ҳаммамиз яхши билишимиз, шунга қараб иш тутишимиз керак.

Майли, бугунги айрим замон “қахрамонлари” 4-5 та тилни билсин, лекин ўзлигини унутса, халқимизнинг урф-одатларини писанд қилмаса, ўз тарихини ўрганишни хоҳламаса, ўз Ватани корига ярамаса, уларни ким деб аташга тил ҳам ожизлик қилади.

Можор олими Ҳерман Вамберининг “Ўтмишига бефарқ халқнинг келажакга зулмат пардаси ортидадир”, деган гапи бор. Дарҳақиқат, халқимизнинг буюк ўтмиши улкан уммонга ўхшайди. Улкан уммонни уйдлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу учун катта меҳнат, катта изланиш ва ҳаракат керак. Бу ишларни бугун қилмасак, жиддий қарамасак, эртага кеч бўлиб, кўп нарсани йўқотиб қўямиз.

Бу мулоҳазаларимни бирон нашрга топширсам, деб турганимда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳадаги масалалар амалга ошадиган бўлса, тарихимизни оқилона ўрганиш ишлари бошланади.

Ёқубжон ҲАЗРАТҚУЛОВ

Баъзан: “Отанг ким?” деб сўрашса, отам фалончи дея исмини тўқмоқдек айтамыз. Қандай мартабадалигини фахр билан тилга оламыз. Бу ҳам бир мақомда, аслида. Лекин оталик ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу ҳам қайсидир маънода ҳикмат демақдир.

“Отанг ким деб сўрашса, шамолдан сўра. Онанг ким деб сўрашса, қисматдан сўра. Инсон ҳаётда нимагадир ишониб, нимадандир умид қилиб яшайди. Умидсизлик қалбимизни кемиради. Умидсизланган одам, гўё дарёдан ажралган ирмоқдир”.

Режиссёр Умид Ҳамдамовнинг “Назар” номли қисқа метражли фильмидан олинган ушбу гаплар замирида нима яширинганлигини англаш учун инсон умидсизликка тушиши шартмикан?

Бекатда автобус кутар эканман, хаёлга берилди, автобусим ўтиб кетганини ҳам илғамабман. Ахир у охириги автобус эди. Умидсизликка тушдим. Шартта такси тўхтагандим, автобус ортидан қувиб етишини илтимос қилдим. Гўёки, умидсизликни енгмоқчи бўлгандим. Агар ўша автобусга етиб олсам ва унга чиқсам, умидсизлик мағлубиятга юз тагади, дея ўйлай бошлагандим. Аслидаку уни енгаман деб, енгилганимни асло тан олгим келмас эди...

Фильмда юз бераётган ҳолатлар, инсонга таъсир қилмасдан иложи йўқ. Асар қахрамонлари — Назар ва Нозиманинг Бўйноқ номли итга меҳри, унга, худди тушунадигандек сўзлаши — бутун вужудимизни жунбушга келтиради. Назар: “Худонинг қаҳрига учраганман” деса, Нозима “Ноумид шайтон” дея умидини узмайди. Бечора аёл дардини

ичига ютар экан қалбининг қайсидир четида бунга учкун борлигини кўришимиз мумкин. Бу тушида ҳам аён бўлади.

Тушида, дастлаб ёруғликни кўради.

нимталай бошлайди. Шу аснода денгиз унинг кўзларига яқин келганидан чўчиб уйғониб кетади. Тушида кўрган барча ҳолатлар ўз таъбирига эга.

Нозиманинг умидлари тушидаги аёлнинг сош ўришию ундан қизил ипли игнанинг пайдо бўлиши муроди ҳосил бўлишидан дарак. Ип бежиз қизил эмас.

“УМИДСИЗЛИК



ҚАЛБИМИЗНИ КЕМИРАДИ”

Кейин бирданига қорли адирлар намоён бўлиб, ўша ердаги дарахт остида бир аёл сочини ўрган ҳолатда гавдаланади. У аёл сочидан қизил ип ўтказилган игнани олади. Худди ўша аёл эшакка тескари мингашган ҳолда, қўлида кесилган қовунни ейди. Сўнгра тепада бургут пайдо бўлади. Бургут баланд парвоз этар экан, аёл сочидан олган игна билан баликни

Қизли рангли ип — сиқилиш аломати ва Нозима бунга қадар қанча ситамларни ичига ютган. Аёл нима учун эшакка тескари ўтириб олган ва нимага айнан қовун еди? Бу дегани бахт ва қайғу ҳаммаша ёнма-ён эканлигини англатади. Буни тушидаги бургутнинг парвоз этишида яққол кўришимиз мумкин. Бу қайсидир маънода жудолик, қурашиш йўлидаги

қийинчилик яъни бахт бу — фарзанд неъмат бўлса, қайғу эса, ана шу бахтдан мосуво бўлган Назарнинг вафоти. Бу йўқотиш ана шу аёлнинг игна билан баликни нимталашида намоён бўлади.

Бўйноқ-чи? Бўйноқ — рамзий образ. Нозима эрининг қабр бошига келганида, итга юзланиб “сенсиз уйимиз хувиллаб қолди” дея айтганда, Бўйноқ ўз хўжайини қабри олтидан сира қимирламаганини англашимиз мумкин. Бу ҳам садоқат тимсоли, назаримда.

Автобус ўриндиғида ойнага бошимни кўйиб ухлаб қолибман. Бошим ойнага тегаверганидан ана шу китирлашни оғрик эканлигини сездим. Лекин бу оғрик кўпроқ қалбимга таъсир қиларди. Шамолнинг пўписаси ила юзимга тегаётган парда эса, гўё тарсаки тортаётгандек эди.

Шамолдан жаҳлим чиқди. Нега? Нима учун шамол бир бор назар солиши армон бўлган фарзандга отаси ким эканлигини айтмади? Шамол енгил ва ёлғончи. Енгил ва ёлғончи бўлмаганда эди у, албатта, ёмғир ёғиши ва борлиқ губорлардан халос бўлиши даркор эди.

“Отанг ким деб сўрашса, шамолдан сўра. Онанг ким деб сўрашса, қисматдан сўра. Инсон ҳаётда нимагадир ишониб, нимадандир умид қилиб яшайди. Умидсизлик қалбимизни кемиради. Умидсизланган одам, гўё дарёдан ажралган ирмоқдир”.

Қирмизой ҲАКИМОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

ҚОНУН БУЗИШ БЎЙИЧА “ЧЕМПИОН”

Субсидия — янги уй-жой сотиб олиш истагида юрган лекин ҳамёни биров “қўтармаётган” фуқаролар учун айни муддао дейиш мумкин. Келинг, яхшиси... Аввал субсидия нима эканлигини қисқача тушуниб олайлик. Кейин таклифлар, муаммолар ҳақида гаплашамиз...

Субсидия ҳақида қисқача

Субсидиялар — даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан қайтариб берилмайдиган маблағ. Мазкур маблағлар фақатгина уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоифадаги бошқа Ўзбекистон фуқароларига ажратилади. Субсидия берилиши учун, авваламбор, масъул орган вакилларида шакллантирилган махсус комиссия ариза берувчиларга мезонлар бўйича балл беради. Ана шу берилган баллар асосида талабгорга субсидия ажратилади ёки аксинча.

Масъул органлар — ички ишлар бўлими, молия бўлими, тиббиёт бирлашмалари, давлат солиқ инспекцияси, бандликка қўмаклашиш маркази, кадастр қорхонаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, туман (шаҳар) хокимликлари, иштирок этувчи тижорат банклари ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ҳаққоний эканлигини текшириш учун керак.

Ижтимоий мезонлар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни аниқлашга хизмат қилади. Балл тўплаш учун мезонларга талабгор ёки унинг оиласи даромади, турар жой мақоми, ижара ёки шахсий мулк, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар, шунингдек, оилада ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар инobatга олинган. Субсидия тартиб бўйича балл тўплаганларга берилади.

Муаммо

Гапни узокдан бошлаганимиз бежиз эмас. Савол туғилади: ана шу махсус комиссия аъзолари белгиланган муддатларда балл беришни пайсалга сол-

са-чи?! Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйса-чи?! Оғрикли “нуқта” миз ҳам шу, аслида. Келинг, таҳлилга ўтамиз!

Вазият рақамларда...

2020 йил 25 март куни Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарори билан “Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Ушбу низом талабларига риоя этиш ҳолати электрон ахборот тизими орқали 2021 йил ҳамда 2022 йилнинг ўтган даври мониторинг қилинганда, ваколатли идоралар томонидан тизимли равишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланган.

Мазкур давлат хизмати бўйича 2021 йил давомида Фарғона вилоятида жами 7 минг 326 та аризалар келиб тушган. Шундан 2 минг 581 таси ижобий деб топилган.

Хусусан, Низомнинг 15-бандида масъул ташкилотлар ўн иш кунини ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини, тақдим этилган ҳужжатлар асосида, ташкилотларда мавжуд маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқиши ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон шаклда маълумотларни тасдиқлаши белгиланган. бўлсада, мазкур талабга риоя этилмаган.

Масалан, 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 678 та аризаларни кўриб чиқишда махсус комиссия таркибидаги ташкилотлар томонидан сурункали қонун бузилиши ҳолатларига, яъни муддат бузилишига йўл қўйилган. Мазкур муддат бузилиши ҳолатлари идоралар кесимида таҳлили қилинганда эса ушбу манзарани кузатиш мумкин:

Тиббиёт бирлашмалари 386 та, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 11 та, тижорат банклари 225 та, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари 35 та, Давлат солиқ инспекцияси 30 та, Ёшлар ишлари агентлиги 12 та, хокимликлар 31 та.



Низомнинг 34-бандида комиссия талабгорларни аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни, масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижаларини олган кундан бошлаб 7 иш кунини ичида уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиши белгиланган бўлсада, мазкур талабга риоя этилмаган. Хусусан, туман (шаҳар) хокимликларида ташкил этилган комиссиялар томонидан жами 52 та мурожаатларни кўриб чиқишда муддат бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

2022 йил шу даврига нисбатан жами 1 минг 737 та аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 96 таси ижобий деб топилган. Мазкур мурожаатларнинг 30 тасини кўриб чиқишда муддат бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси томонидан ваколатли органларга қонун ҳужжатлари бузилишларини бутунлай бартараф этиш юзасидан 7 та тақдимнома, 92 та огоҳнома киритилди, шунингдек, 24 нафар масъул ходимлар маъмурий жавобгарликка, 7 нафари интизомий жазога тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муддат бузилишига йўл қўяётган айрим ташкилотлар янада масъулиятлироқ бўлган ҳолда, ўз фаолиятларини қоғоз кўринишида эмас балки ахборот коммуникацион технологиялар асосида ташкил этишлари, интеграция жараёнларида фаол иштирок этишлари зарур. Акс ҳолда, бу каби ҳолатлар яна ва яна давом этаверади. Оқибатда эса қанчадан қанча юртдошларимиз жабр кўриши мумкин.

Элёржон ЭҲСОҲОВ,
ДХА Фарғона вилоят бошқармаси
Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар
шўъбаси етакчи маслаҳатчиси

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январь куни “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш мақсадида бир қатор тартиблар жорий этилиши кўзда тутилган.

Яъни маъмурий судларга далилларни йиғиш мажбурияти юкланади, ҳуқуқи бузилганларга эса далилларни йиғишда фақат ўз имкониятидан фойдаланиш ша-

роити яратилади. Шунингдек, давлат органлари қарорлари натижасида етказилган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқи берилади ҳамда бундай талабларни кўриб чиқиш маъмурий судлар ваколатига ўтказилади. Эътиборли жиҳати шундаки, энди давлат орган ва ташкилотлари маъмурий суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кун-

дан бошлаб бир ой давомида ижро қилади ҳамда бу ҳақда судга қарор беради.

Қарор доирасида аризаларни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабаб қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш ва бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик судга тааллуқли бўлганда уларни бирлаштириш тақиқланиши ҳам кўзда тутилган.

С. ЮЛДОШЕВ,
Тошкент туманлараро маъмурий судининг раиси

ОХИРИ КЎРИНМАС “ҚОТИЛЛИК”

Белгиланаётган чора-тадбирларга қарамай йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Шубҳасиз, ушбу бахтсиз ҳодисаларнинг маълум бир қисмини ҳайдовчилар маст ҳолатда содир этмоқда. Яна бир ачинарли ҳолат, яъни бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари қаторида, ақл-иродага таъсир қилувчи психотроп ва бошқа моддаларнинг кенг тарқалиш тенденцияси юзага келаятганлиги кузатилаётган. Булар, ўз навбатида, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқаришга қарши курашишнинг долзарблигини кўрсатади.

Транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Ҳар бир ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжудлигини яхши билиши лозим. Бу каби жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасида белгиланган.

Айрим хорижий мамлакатларда, ҳусусан, Россия Федерациясида транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик билан бирга жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Маст ҳолда ҳайдовчи транспорт воситасини бошқаришнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади, бироқ шунга қарамай, алкоголь ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд ақл-иродага таъсир этувчи психотроп ва бошқа моддаларни истеъмол қилиб, бундай оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди. Маст ҳолдаги ҳайдовчининг ушбу қилмишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 21-модда тўртинчи қисмида назарда тутилган қасддан содир этилган жиноят аломатлари мавжуд бўлади.

Йўл транспорт ҳодисаларини камайтириш бўйича таклиф

Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келган транспорт воситасини маст ҳолда қасддан бошқарганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддани жиноят қонунчилигига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, тан жароҳатлари сонига енгил тан жароҳати қўшилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексига қуйидаги тахрирда 266-1-моддаси таклиф этилади:

“266-1-модда. Алкоголли мастлик ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд ақл-иродага таъсир этувчи психотроп ва бошқа моддаларни истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини қасддан бошқариш”.

Алкоголли мастлик ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд ақл-иродага таъсир этувчи психотроп ва бошқа моддаларни истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини қасддан бошқариш баданга енгил шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки

икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;
б) ҳалокатга;
в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Алкоголли мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд ақл-иродага таъсир этувчи психотроп ва бошқа моддаларни истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини қасддан бошқариб, кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиққанда жиноий жавобгарликни белгилаш, жиноят қонунчилигининг профилактик даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, охири кўринмас “қотиллик”ларнинг, яъни йўл-транспорт ҳодисаларининг сони камайишига ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Рафик ШАКУРОВ



“БОЙЛАР КЎПРОҚ СОЛИҚ ТЎЛАШИ КЕРАК”

Икки йилдан буён давом этаётган пандемия дунё бўйлаб аҳолининг энг камбағал қатламига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, глобал миқёсда камбағаллар сони кўпайган. Ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйлаб яна қўшимча 97 миллион одам ўтган йилда кунига 1,90 доллардан кам пулга яшашга мажбур бўлган.

Миллиардерлар бойлиги эса сўнгги икки йилда кескин ортди. Жумладан, бу давр мобайнида Ер юзидаги энг бой 10 кишининг бойлиги икки баравар кўпайди. Ҳар бирининг бойлиги ҳозирда 100 миллиард доллардан юқори.

Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтатилган йиллик Жаҳон иқтисодий форумига очик хат йўллаган 100 дан ортик миллиардер ва миллионерлар бу ҳолат адолатли эмаслигини айтишмоқда.

“Ватанпарвар миллионерлар” деб аталувчи бу гуруҳнинг айтишича, коронавирус пандемияси ортидан глобал иқтисодни оёкка тиклаб олиш учун энг бадавлат одамлар ўз адолатли улушини тўлашга мажбурланмаяпти. Уларга кўра, бой ва камбағаллар ўртасидаги фарқни камайтириш учун бойларга кўпроқ солиқ солиниши керак.

Ушбу хатга 10 та давлатдан 100 дан ортик бойлар имзо чеккан. Уларга кўра,

йиллик wealth tax, яъни “бойлик солиқи” киритилиши керак. Бунда 5 миллион долларга эга шахслар йилига ўз бойлигининг 2 фоизини, 50 миллион доллардан ошққа эгалар — 3 фоизини, миллиардерлар эса ўз бойлигининг 5 фоизини ғазнага тўлашлари адолатдан бўлади.

Бу солиқлар кўшиб ҳисобланса, йилига 2,5 триллион доллар йиғилади. Бу пул билан гуруҳга кўра, дунё бўйлаб 2,3 миллиард одамни қашшоқликдан олиб чиқиш, барчани эмлаш ҳамда кам ва ўрта даромадли давлатлардаги одамларни тиббий ва ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш мумкин.

platforma.uz

ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН*** ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Миробод тумани 125-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Қўлдошев Абдулла Алижон

ўғли номига берилган UM № 0707607 (рўйхат рақами 49) рақамли аттестат йўқолганлиги сабаб бекор қилинади.

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Адхам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адхам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Бунюртга рақами Г-208
Адади: 1452.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

ЎҚИГАН ШАҲАР ОЛИБ БЕРАДИ

Бу ибора кўп ҳолларда “Ўқиб шаҳар олиб берармидинг?” тарзида салбий маънода қўлланилади. Ўқиган, изланган, келажаги йўлида меҳнат қилган бола, албатта, ота-онасига “шаҳар олиб беради”. Бунинг учун бой, зиёли ёки юқори мансаб эгаси бўлиш шарт эмас. Фарзандини илм олишга тўғри йўналтирган ва унинг келажagini ҳамма нарсдан устун қўйганлар сира ютказмайди.

Бу ҳақда фикрлашишдан аввал икки-та мисолга эътиборингизни қаратсам.

Биринчи мисол: бундан 28 йил олдин ҳиндистонлик Сундар Пичай исмли йигит АКШнинг Стенфорд университетида ўқиш учун грант ютади. Бироқ Ҳиндистондан у ерга боришга маблағи бўлмайди. Шунда отаси ўзининг қарийб бир йиллик маошига тенг пулга унга чипта олиб беради. Йигит умрида биринчи марта самолётга чиқиб, АКШга учиб кетади.

2015 йилда Сундар Пичай жаҳоннинг энг бой компанияларидан бири — Google ширкатининг бош директори этиб тайинланади. 2019 йилда унинг йиллик маоши 281 миллион долларга тенг бўлган. Отанинг бир пайтлар қилган жасорати фарзандининг келажаги учун тамал тоши бўлди ва ўз мевасини берди.

Иккинчи мисол: англиялик 10 ёшли Тилли Смит исмли киз БМТда нутқ сўзлаган ва унинг шарафига астреонидлардан бири “2002 Tillismit” деб номланган. Бунга сабаб, у 2004 йилда Ҳинд океанида юз берган цунамида юзлаб

кишиларни қутқариб қолган. Яъни Тилли денгиз бўйида ота-онаси билан дам олаётган чоғида денгизда ғайриоддий тўлқинни кўрган ва география дарсида бундай тўлқиндан сўнг цунами юз бериши ҳақида ўқиганини эслаган. Дарҳол сайёҳларни огоҳлантириб, соҳилни тарк этишга кўндирган. Кўп ўтмай цунами юз берган...

Хўш, биз бу каби мисоллардан ўзимизга қандай хулоса чиқарамиз? Айтинг-чи, бугун фарзандингизга қандай тарбия бериасиз, у нималар билан машғул, қандай муаммолари бор, келажакда ким бўлмоқчи?

Очиғи, кўпчилик ота-оналар рўзгор тебратиш учун ишда, кўчада ёки уйда бирор юмуш билан банд бўлади ва бола тарбиясига кам вақт ажратади. Айниқса, ёш болалар тарбиясига жуда бефарқ бўлади, фақат қорнини тўйдирса бас. Ачинарлиси, бола йиғласа, телефон бериб овутишади. Ахир бу ҳаракат билан фарзандларимиз онгини ўзимиз заҳарлапмизку!

Сир эмас, бугун аксарият ёшларимиз телефондан бошини кўтармайди. Бўш вақтида ижтимоий тармоқларда “этиб



олади”. Натижада, уларнинг ўзи ҳам бу тармоқларда беҳаё сурат ва видеоларни жойлаштирмоқда.

Маълумотларга қараганда, кейинги пайтда қонунбузилиш ҳолатлари, оилавий можаролар, ажримлар, келишмовчиликлар асосан ёшлар ўртасида қайд этилган. Жумладан, ижтимоий тармоқларда “Ёш киз ўз жонига қасд қилди”, “Мақтаб ўқувчиси ўқитувчиси урди”, “Фарзанд ота қотилига айланди”, “14 ёшли бола машина ўғирлади” ва бошқа шундай мазмундаги хабарларга кўзимиз тушади. Бу каби салбий ҳолатларнинг асосий сабаби оиладаги муҳит, эътиборсизлик ва илмсизлик эканлигини билмаймиз.

Бугун фарзандларимизга тўғри тарбия бермасак, китобни севишга, хунар ўрганишга йўналтирмасак, келажакда улардан нима кутамиз? Ихтирочи Томас Эдисон айтганидек, “Даҳоларнинг сири – меҳнат, қатъиятлик ва соғлом фикрлашдир”. Яхши натижага фақат орзу билан эришиб бўлмайди. Ҳар қан-

дай ютуқ ва муваффақият ортида интилиш, изланиш ва меҳнат туради.

Юртимизда ёшлар ўқиб, изланиб, ўнлаб халқаро билим юртларига ўқишга кирмоқда, давлат мукофотлари билан тақдирланиб, жаҳон миқёсида кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида ғолиб бўлмоқда. Сўнгги уч йилда республикамиз ёшлари халқаро танлов ва мусобақаларда беш мингдан ортиқ совринли ўринларни кўлга киритиб, кўплаб халқаро университетлар талабаси бўлган. Масалан, яқинда Чуст туманидаги 52-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Сардор Аложонов бирданига тўққизта халқаро олийгоҳда ўқиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу илм олишга интилиши, ота-онасининг эътибори, яратилган имкониятдан тўғри фойдалангани натижасидир. Атрофимиздаги ана шундай ёшлардан, уларнинг ота-оналаридан ибрат олайлик.

Фазлидин РЎЗИБОЕВ

Мушоҳада

Тилимизда “қора” деган сўз бор. Бу сўзни эшитган киши рангини тушунади. Бу ранг туркий халқларда она ранг ҳисобланади. Қадимги туркийлар қарашларига кўра, барча ранглар шу қора ранг асосида пайдо бўлган. Қора улғулик, юксаклик белгиси саналган. Қора уй, қора хон, қора тоғ каби турли вазиятларда турли сабаблар билан ишлатилган сўз кўшимчалари бежизга пайдо бўлмаган. Коинотдаги қора туйнук, қора масса каби тушунчаларнинг мавжудлигида ҳам айни шу рангнинг ўрни кўринади.

Хуллас, шу сўз жуда узоқ йўлни босиб ўтган. Шу сўзнинг тилимизда нақадар жилва қилишини, қанчалик кўп маъно ташишини қуйидаги ҳолатда кўриш мумкин.

Ҳали қора сахар эди. Қора уй тўрида ётган Қора момо “воҳ болам”, деб алаҳсиб уйғонди. Қаватидаги келини сапчиб тушди. Келин қора чирокнинг шуъласида тимирскиланиб бориб, хумдан сув олиб келди. Момо сув ичди, калима қайтариб пичирлаб қўйди. Тонг оқармай уй сиртига ўтиб нон синдирди, кўни-кўшнларга улашди. Ноннинг илк парчасини итга ташлади. Ҳар кун қора овқат – кепак қорик еб ўрганган ит эркаланиб нонни илиб кетди. Келин-қайнона узунқиска бўлиб уйга кирди. Уйга киришган Қора момо ўғлига атаб танҳо қора моли – қисир қолган соғин сигирни худойига деб ният қилди. Ташқаридан ёмғир товуши эшитилди. Қора булут осмонни момонинг кўнглидай тўлдирди. Момо жуда ёмон туш кўриб эди. Кун чошгоҳга яқинлади ҳамки, момо туз тотмади. Ташқарида изғирин елиб турган бўлса-да момонинг манглайдан қора тер куйилаверди. Келиннинг “бирор нима енг”, деб айланиб-ўргилганига ҳам қулоқ солмади. “Кўнглим қоп-қора. Еганим ичимга тушмайди, болам...” деб изиллаб ўтираверди. Икки кўзи овулга ошиб келадиган тупроқ йўлда эди. “Қора мошин ошса, раис келади. Раис билан почтачи келади...” Момо ёлғончига келиб, тўққиз курсоқ кўтарди. Шулар-

дан олтовини қора ерга топширди. Икки киз ва ёлғиз ўғил омон қолди. Қизларини “Отанинг уйи – арчанинг қўланкаси” деб тенги чиққанда узатиб-узатиб юборди. Чоли етти йил аввал бандалик

ҚОРА ЖИЛВА



қилганди. Суянгани, таянгани ёлғиз ули – Тоштемирни эса урушга олиб кетишди. Қўли калтаям, бош эгаси йўқ ҳам демади. Ҳувиллаган уйда Қора момо ва қирқ кунлик гумонаси билан уч ойлик келин қолди. Момонинг оти Бибисулв эди. Суяк суриб қорамағизли, отаси раҳматлидай полвонкелбат бўлганидан ҳамда қўлида қушнотлик хунари борлиги сабаб уни эл “Қора момо” деб атаб кетди. Ниҳоят кампирнинг силласи қурди, чўзилиб ётиб қолди. Ташқарида ёмғир кучая бошлади. Кампир келини пиширган кескан ошдан ўзини мажбурлаб-мажбурлаб ичди. Тагин терлади. Бироз ўзига келди. “Менинг кўнглимни шартта узиб, шу итнинг олдига ташлай-

диган-да, ўзи, келин”, деб ўзини ўзи юпатган бўлди. Ҳарҳолда кампир анча ўзига келиб қолган эди. Ташқарилади. Ёмғир жимиллабгина бир маромда ёғар эди. “Бу қора ёмғир икки кунсиз тинмайди энди. Осмоннинг меши тешилди”, дея гапиринди. Кун пешин бўлди. Бир маҳал ташқаридан “Қора момо”, деган сас келди, сўнг отнинг кишнагани эшитилди. Шу билан барабар ит ҳам хурди. Кампирнинг юраги кинидан чиқиб кетаёзди. У ётган жойидан

қандай кўтарилганини ўзи ҳам билмай қолди. Биргина “Қора момо” деган садо уни ўрnidан қоим қилди. Келин-қайнона олдин-кейин ташқарига чиқди. Уй олдида бир отликнинг қораси кўринди. Бу Жилвдор почтачи эди. Жилвдор хуржунидаги чарм халтасидан бир хатни олиб тайёрлаб турган экан, момонинг сўрашганларига ҳам парво қилмай, хатни берди-ю, шошайпман, деб отига камчи урди. Бир зумда ғойиб бўлди. Кампирнинг “чой ичиб кет”, деганига қарамади...

*“Жилвадан эшган арқонинг
Тортарга келмай узилди.
Қизилар турган бозоринг
Савдолар келмай бузилди.*

*Энанг бўлмай, ўлайин-а...
Очилмади бир гулинг,
Ўтовда қолди булбулинг,
Сени олмай мени олса бўлмасми?..”*

Ана шундай садо билан асрнинг кўк-си тилинди. Оломон йиғилди. Кампир уй олдида, ёмғир тагида, қора лойга ботиб бўз тортди. Келин соя ёйиб ўзини қора уйнинг эрганақ-эшигига урди. Қора мошинда раис келди. У билан почтачи келди. Кампир она арслондай айқириб почтачининг ёқасидан олди: – Қора хат бергунча оғзингдан қора қонинг келса, бўлмасмиди, йўли қора?!

Одамлар музтар турган почтачини кампирнинг чангалидан аранг айриб олди. Кампир раисга ўтдай тармашди:

– Боламни сен единг, раис бўлмай қоранг ўчгур. Бегим қалнинг улени урушдан оп қолдинг – бойга боқдинг. Менинг тузим урсин сени. Қора халққа қайишмадинг, қора ноним урсин сендай ичи қорани...

Бахти қора бўлган келиннинг доғи кампирниқидан кам эмас эди:

*– Қоронги бозор қилиб
Кетдинг, тўрам-ов!
Қора сочимни қорлар
Босди-я, тўрам-ов...*

Мақола муддаоси учун ушбу воқелик шартли равишда хикоя шаклини олди. Қолаверса, Иккинчи жаҳон урушининг бу каби асорати манзаралари ўқувчига бегона эмас. Бу ерда муддао воқеликдаги ижтимоий ҳолатга урғу бермоқ эмас, балки тилимизнинг бойлигини, имкониятларини тасаввур этишни осонлаштирмоқдир.

Диққат қилайлик: матндаги “қора” сўзларининг ҳеч бири аслан қора бўлмаган негизли сўзлар билан бирга келатир.

Шодмонқул САЛОМ